

**ЖИНОЯТЛАРИНИ СОДИР ЭТУВЧИ ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ ШАХСИНИ
ТОИФАЛАШДАГИ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК МУАММОЛАР****Бобоёров М О***Ўзбекистон Республикаси ИИБ 2-сонли Тошкент академик лицейи
ўқитувчиси*

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарали усул ҳамда воситаларини илмий-назарий жиҳатдан тўғри ишлаб чиқиш орқали унга қарши курашни ташкил этиш - шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Шунингдек терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам долзарб муаммолигича қолмоқда.

Тўғри, терроризм жиноятларининг олдини олиш халқаро аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий масаладир. Шунга кўра, унга қарши курашни халқаро миқёсда ташкил этишнинг халқаро ҳукукий асосларининг яратилишига алоҳида этибор берилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, терроризмнинг халқаро уюшганлик хусусиятининг мавжудлиги илмий-назарий жиҳатдан ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти нуктаи назаридан доимий равишда таҳлил этиб борилишини этибордан четда қолдирмаслик зарур.

Терроризм ва унга қарши кураш муаммоларини ҳал этиш борасида мамлакатимиз ҳамда жаҳон олимлари томонидан бир қатор илмий назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу тавсияларнинг илмий асослантирилгани туфайли терроризмнинг олдини олиш ва унинг сабаблари ҳамда муҳитларини бартараф этишга оид этиборга лойик бўлган турли назарий қарашларни учратиш мумкин. Шу жумладан, терроризм жиноятларини содир этувчи жиноятчиларнинг шахсини тадқиқ этиш ҳам тадқиқотлар ичида марказий ўринни эгаллайди. Чунки, ҳар қандай турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун, даставвал, жиноятчининг шахсини ўрганиш муҳим криминалогик аҳамиятга эгадир. Терроризм жиноятларини содир этувчи жиноятчиларнинг шахсини ўрганишда уларни тоифаларга ажратиш ва ҳар бир тоифадаги жиноятчиларнинг шахсига хос хусусиятларни аниқ билиш мақсадга етаклайди.

Криминалогия нуктаи назаридан жиноятчиларнинг шахсини ўрганиш уларни тоифалаш билан узвий боғлиқдир ва бу борада фанда ўзига хос ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаш керак. Биринчидан, жиноятчининг шахсини жинойий қилмишни содир этишоаги қасдига кўра тоифалаш. Масалан, алоҳида ҳавфли, зўравонлик, қасддан ва эҳтиётсизликлар туфайли жиноятлар содир этувчилар. Иккинчидан, жиноят қилишга мойил бўлганлар ва қулай вазият тақозоси билан жиноят содир этувчилар. ўз вақтида ушбу, иккинчи гуруҳга мансуб жиноятчилар шахси: а) криминоген (яни, жиноят содир этиши мумкин бўлганлар), б) кутилмаганда жиноят содир этувчи шахслар

тоифаларидаги жиноятчиларга бўлинади. Бу каби тофалаш умумий тарзда олингани холда, айнан уюшган жиноятларни содир этувчиларнинг шахсини ифодалашда ҳам мустиқил ёндашилганлигини кўрсатади. Хусусан, а) жиноятларни маълум бир тарзда содир этувчилар («ихтисослашган») шахси; б) у ёки бу жиноятларни содир этишдаги тажрибага эга бўлганлар («малакачилар») шахси; в) жиноят содир этишдан яшаш манбаи сифатида фойдаланувчилар шахси; г) жиноий фаолиятларини ижтимоий ҳаётта мослаштирувчи ва жиноят содир этишни ўзига касб қилиб олганлар шахси каби тофаларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган криминалогик тадқиқотларда кўп ҳолларда «жиноятчи касбидаги» шахслар тушунчаларини учратиш мумкин.

Баён этилганлардан малумки, терроризм жиноятларини содир этувчи жиноятчилар шахсини ҳам ўзига хос тоифалаш асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, а) умуман терроризмни ташкил этувчилар, б) террористик актларни амалга оширувчилар, в) турли йўналишдаги террорчилик фаолиятларини амалга оширувчилар (масалан, сиёсий террор, иқтисодий террор, гоявий террор кабилар).

Халқаро миқёда терроризм жиноятларига қарши кураш амалиётининг кейинги йиллик давомидаги тажрибаларидан маълум бўлишича, терроризмни (юқорида баён этилган тоифаларга қиёсан олганда) касб қилиб олганлар (масалан, Усома бин Ладин) ёки террористик актлар содир этишга ихтисослашган жиноятчилар (бир қатор «комикадзе» тоифасидаги шахслар)нинг пайдо бўлганлиги кўринди. Фикримча, террорчилик жиноятларини содир этувчилар шахсининг ҳар бирини алоҳида ўрганиш криминалогияда мустиқил тадқиқот объекти бўлмоғи лозим.

Шу ўринда терроризм жиноятларини содир этувчи жиноятчилар шахсига хос бўлган шафкатсизлик, қийноққа солиш, ўзига хос «гоявий содиқлик», «гоявий содиқлик йўлида шаҳид кетиш» каби одатларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳам фан муаммоси эканлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, терроризм жиноятларининг содир этилишида айтиб ўтилганидек, уларни содир этишга мойил шахсларнинг мавжудлиги туфайли ана шундай жиноятларни содир этишга жалб этилиш ҳоллари кузатилмоқда. Бундай ҳолатни терроризм жиноятлари содир этилишидаги муҳит сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Исмаилов.И Проблемы международно-правового сотрудничества Республики Узбекистан в борьбе с терроризмом и организованной преступностью

2. Экст-ремизм, терроризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка карши кураш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари.

3. Криминология ўқув қўлланмаси 2022й